

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 92 (10.397)

2005 ЙИЛ 12 МАЙ

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 11 май куни Оқсаройда Корея Республикаси ишбилармон доираларининг бир гуруҳ вакилларини қабул қилди.

Улар орасида Корея Республикаси кичик ва ўрта бизнес федерацияси раиси Ён Гу Ким, Савдо-саноат палатаси раиси Пак Ён Сун, Халқаро савдо уюшмаси раиси Ким Же Чул, Ресурслар корпорацияси президенти Пак Ян Су, Эқсимбанк раиси Шин Донг Кью ва «Шиндонг Энерком» компанияси президенти Ким Юн Сок бор. Улар давлат ташрифи билан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Корея Республикаси Президенти Но Му Хёнга ҳамроҳлик қилмоқдалар.

Президент Ислон Каримов меҳмон-

ларни юртимизга ташрифи билан кутлади. Икки мамлакат ишбилармонларининг Тошкентда ўтган бизнес-форуми Ўзбекистон-Корея савдо-иқтисодий муносабатларини ривожлантиришга янги суръат бахш этишига ишонч билдирди.

Жанубий Корея бизнесменлари самимий қабул ва юсак эътибор учун Президентимизга миннатдорлик изҳор этдилар. Улар икки томонлама манфаатдорлик, ўзаро ҳурмат ва ишонч асосидаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга тайёр эканликларини билдирдилар.

Сухбат чоғида Корея Республикаси Президентининг Ўзбекистонга ташрифи муваффақият билан ўтаётгани, ушбу ташриф ўзаро ҳамкорликни янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этиши алоҳида таъкидланди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Жанубий Кореянинг фирма ва компаниялари ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари кўламини янада кенгайтиришга, биргаликда янги қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишга оид масалалар муҳокама этилди.

Давлат ташрифи билан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Корея Республикаси Президенти Но Му Хён 11 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов ҳамроҳлигида пойтахтимиздаги Хотира майдонини зиёрат қилди. Олий мартабали меҳмон Иккинчи жаҳон урушида қурбон бўлган юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтириб, «Мотамсара она» ёдгорлиги пойига гулчамбар қўйди.

НО МУ ХЁН:

### ТААССУРОТЛАРИМ ЧЕКСИЗ

Мустақиллик майдонида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишди. Майдоннинг ўзига хос, бетакрор қиёфаси меҳмонда ўчмас таассурот қолдирди.

Куннинг иккинчи ярмида Жанубий Корея раҳбари Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Самарқанд шаҳрига ташриф буюрди.

Президент Но Му Хён қадимий шаҳар билан танишуви Улугбек расадхонасидан бошлади. Халқимизнинг неча минг йиллик тарихидан ҳикоя қилувчи «Афросиёб» музейи олий мартабали меҳмонда катта таассурот қолдирди.

Корея Республикаси Президенти Регистон майдонини ва Соҳибқирон Амир Темур мақбарасини зиёрат қилди.

— Самарқандга биринчи марта келишим, - деди Жанубий Корея раҳбари. - Шаҳарнинг тарихий обидалари ва замонавий қиёфаси гоят бетакрор. Юртингиздан олган таассуротларим беқиёс, чексиз.

Корея Республикаси Президенти Но Му Хённинг Ўзбекистонга давлат ташрифи 12 май куни ниҳоясига етади.

## ЎЗБЕКИСТОН — ЖАНУБИЙ КОРЕЯ БИЗНЕС-ФОРУМИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов ва юртимизда давлат ташрифи билан меҳмон бўлиб турган Корея Республикаси Президенти Но Му Хён 11 май куни икки мамлакат ишбилармон доиралари бизнес-форуми иштирокчилари билан учрашди.

Мамлакатимиз раҳбари корейлик ишбилармонларни ўзбекистонлик ҳамкасблари билан ҳамкорликни янада фаллаштиришга чақирди.

Жанубий Корея раҳбарининг мамлакатимизга ташрифи ўзаро савдо-иқтисодий алоқалар ривожига муҳим аҳамият касб этишига ишонч билдирди.

Но Му Хён Ўзбекистон Президентининг иқтисодий сиёсати ўзининг кенг кўламли самарасини бераётганини алоҳида таъкидлади. Бу самарани мамлакатларимиз ўртасида йўлга қўйилган иқтисодий ҳамкорликда эришилган салмоқли ютуқларда ҳам кўриш мумкин, деди меҳмон.

Ўзбекистон-Жанубий Корея бизнес-форумида Ўзбекистон ва Корея Республикалари ўртасида турли йўналишларда, хусусан, савдо-сотик, машинасозлик, тўқимачилик, телекоммуникация ва ахборот технологиялари, нефть ва газ, сайёҳлик соҳаларида ўзаро ҳамкорлик тобора ривожланиб бораётгани кайд этилди.

Таъкидламоқ лозимки, Корея Республикаси кичик ва ўрта бизнес федерацияси делегацияси жорий йилнинг январиди ҳам Ўзбекистонда бўлиб, икки мамлакат тadbirkorлари иштирокида ўтган бизнес-семинарда иштирок этганди.

Корея Республикаси Ўзбекистоннинг йирик савдо-иқтисодий ҳамкорларидан. Жорий йилнинг январь-февраль ойларида мамлакатларимиз ўртасидаги савдо айланими 110 миллион АҚШ долларидан ошди.

Бизнес-форумда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2005 йил 11 апрелда эълон қилинган «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони мамлакатларимиз ўртасида сарможий ҳамкорликни янада кенгайтиришда му-

ҳим омил бўлаётгани алоҳида таъкидланди.

Корейлик ишбилармонлар Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти, хусусан, мамлакатимизда хорижий сармоядорлар учун яратилган шароит билан ақиндан танишдилар.

Тadbirkor якунида қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланди. Улар орасида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва Корея Савдо-саноат палатаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида, «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси ва Корея экспортни суғурталаш корпорацияси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар, шунингдек, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги билан Корея саноат федерацияси ўртасида Иқтисодий ҳамкорлик кенгаши тузиш тўғрисида, Ўзбекистон Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси билан Корея табиий ресурслар корпорацияси ўртасида табиий ресурсларни ўзлаштириш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида, Ўзбекистон Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси билан Кореянинг Геология, геофизика ва минерал ресурслар институти ўртасида табиий ресурсларни ўзлаштириш бўйича ҳамкорлик тўғрисида, «Ўзбекнефтьгаз» миллий холдинг компанияси билан Корея миллий нефть корпорацияси ҳамда Корея кичик ва ўрта бизнес федерацияси ўртасида нефть-газ соҳасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида, Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Корея Экспорт-импорт банки ўртасида ҳамкорлик тўғрисида аниқлашув меморандумлари бор.

Бизнес-форумда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, иқтисодиёт вазири Р.Азимова ва Корея Республикаси кичик ва ўрта бизнес федерацияси раиси Ён Гу Ким сўзга чиқди.

**XVI сағоси**  
Барча мубаллардан  
олинган сўнги хабарлар

### Мамлакатимизда

• Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 50 йиллиги муносабати билан «Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамияти тизимида «Энг яхши хабарчи» кўрик-танловининг Республика босқичи ўтказилди.

• «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компаниясининг Бухоро минтақавий темир йўл узели бозорчасида меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларига бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

• Республика Киночилар уйида Низом Нуржоновнинг «Тожи рақсининг улкан дунёси» номли китобининг тақдими ўтказилди.

• Ўзбекистон Давлат консерваториясининг катта залида Ўзбекистон ўсмирлар симфоник оркестрининг илк хайрия концерти уюштирилди.

• Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳридаги сержантлар тайёрлаш марказида битирувчиларни ҳарбий қисмларга қузатиш маросими бўлиб ўтди.

• «Карвон-холдинг» концернлар ассоциацияси ўзининг 12 минг нафар ходимлари ва уларнинг оилалари аъзолари учун Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган катта спорт байрамини ташкил этди.

• Сурхондарё вилояти жамоатчилиги томонидан «Рус маданияти» уюшмасининг 10 йиллиги кенг нишонланди.

### Жаҳонда

• АҚШ Сенати 2005 йилда бюджет ҳисобидан Пентагонга қўшимча 82 миллиард доллар ажратишни кўзда тутувчи қонун лойиҳасини бир овоздан қабул қилди.

• Иордания, Исроил ва Фаластин маъмурияти вакиллари Қизил ва Улик денгизларни боғловчи канал қуриш юзасидан келишувга эришишди.

• Кеча Франциянинг Канн шаҳрида аънаваний 58-халқаро кинофестивал очилди. Мазкур нуфузли фестивал дастурига дунёнинг 15 мамлакатидан 21 та сараланган бадий фильмлар тақдим этилди. Фестивал 22 майга қадар давом этади.

• Анголада Марбург безгаги тарқалиши давом этмоқда. Мутахассисларнинг билдиришларича, вафот этган беморлар касаллик тарқалишига сабабчи бўлмоқда. Яқинда шу безгакнинг яна бир кўриниши аниқланди.

# ПОЙТАХТНИНГ Бир кун

Янгиликлар, воқеалар

## ҚИСҚА Сўзлар

● **БУГҲУН** Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетда талабаларнинг Ўзбекистон халқ шоирлари Эркин Воҳидов, Муҳаммад Али ҳамда Ўзбекистон Фанлар академияси академиги М.Саломиддиновлар билан учрашуви уюштирилди. "Маънавият ва маърифат" маркази ташаббуси билан университетда ўтказилган илмий-назарий семинар "Университетнинг ташкил топшиши ва унинг тарихий аҳамияти" деб номланди.

● **КЕЧА** "Бунёдкор" ёшлар телеклубида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Бектемир туман Кенгаши қошидаги "Маҳалла умидлари" маркази ташаббуси билан маҳаллада фаолият кўрсатаётган ёшлар билан ишлаш комиссияси раислари иштирокида ўқув семинари ўтказилди.

● **КЕЧА** "Нихол" спорт мажмуасида бўлиб ўтган "Энг намунали оила" мавзусидаги кўрик-танлов Бектемир туман хотин-қизлар кўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши ҳамкорликларида уюштирилди.

● **КЕЧА** Собир Раҳимов туманидаги "Тахтапул" маҳалласида бўлиб ўтган "Оиламиз — фахримиз" мавзусидаги давра суҳбатида маҳалла фаоллари иштирок этишди.

● **БУГҲУН** Бобур номидаги маданият ва истироҳат бондида шахар мактаблари юқори синф ўқувчилари иштирокида тадбир ўтказилди. Унда қатнашган ёшларга олий ўқув юрлари ўқувчилари университетлар, институтлардаги ўқиш жараёни ҳақида сўзлаб беришди.

● **ЎТГАН** кун Геодезия ва картография коллежида ўқувчиларнинг мазкур илм масканида ишлаган фахрий ўқувчилар билан учрашуви уюштирилди.

● **ЎТГАН** кун 214-мактабда "Камалак" етакчилари иштирокида "Камалак" болалар ташкилоти Миробод туман Кенгаши ташаббуси билан ўқув семинари ўтказилди.

● **ХАЛКАРО** "Маданият карвон саройи"да иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 60 йиллигига бағишлаб ўзбекистонлик раҳбарлар томонидан яратилган асарлар кўргазмаси ташкил этилди.

● **ЎТГАН** кун Яққасарой туман ҳудудий тиббиёт бирлашмасида "Маънавият ва маърифат" марказининг туман бўлими томонидан ўтказилган хайрия тадбирида фахрий шифокорларга эсдалик совғалари топширилди.

Тошкент шахар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Кадрлаш тайёрлаш Миллий дастурининг асосий ғояси — сифатли узлуксиз таълим даражасига эришиш йўлида 2009 йилгача мактаб таълимини ривожлантириш давлат Умуммиллий дастури қабул қилиниши айна мудоа бўлди. Зеро, шубҳасиз, амалий илм-маърифат пойдевори мактабдан бошланади. Бу даргоҳда олинган таълимот негизи эса қанчалик пишиқ, мустаҳкам бўлса, мустақил ҳаётга илк қадам қўётган инсоннинг камолотга эришиши ҳам шунчалик осон кечади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Юртбошимиз ташаббуси ва раҳнамолиги остида мактаб таълими ривожига қаратилган эътиборнинг асосий йўналишларидан бири, бу — умумтаълим ўқув муассасаларининг моддий-техник жиҳатдан бойитилиши, уларнинг негизи замон талабига мос равишда тубдан такомиллаштирилиб борилаётганидир. Бу борада дастурга биноан ўтган бир йил мобайнида тегишли ишлар амалга оширилди. Чунончи, 2004 йилнинг ўзида республика миқёсида 26 та мактаб янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди, 8 таси — капитал реконструкция қилинди, 430 таси капитал ва 174 таси жорий таъмирланди. Тошкент шахри бўйича бу кўрсаткичлар 11 та капитал ва 18 та жорий таъмирланган мактаблар билан ифодоланди. Умумтаълим муассасаларини жиҳозлаш учун 337,6 миллион сўм сарфланган. Хусусан, таъмирдан чиқарилган мактаблар 3848 дона парта, 256 та доска, 256 та ўқитувчи стол-стул, 18 та компьютер синфи қўринишида янгитдан жиҳозланган.

Эътиборли томони шундаки, бу ўқув ускуна ва жиҳозларнинг аксарияти маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан тайёрланган ва айна пайтда ўзининг сифати, чидамлилигини амалда намойён этаётган.

2009 йилгача Тошкент шахри бўйича 265 та мактабда капитал таъмирлаш, капитал реконструкция ва жорий таъмирлаш ишлари

## Ислохотлар оқинида

# БОШ БУЮРТМАЧИ — ЎҚУВЧИЛАР ВА ТАЪЛИМ ЗАҲМАТКАШЛАРИ

Раъно АКРАМОВА, 51-мактабнинг француз тили ўқитувчиси:

— Бугунги кунда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умумтаълим дастурига асосан умумтаълим ўқув юрларида хайрли ислохотлар юзга келмоқда. Юртбошимиз ташаббуслари ва раҳнамоликлари остида 30-50, ҳаттоки 70 йиллар илгари қурилган мактаблар таъмирланиб ва замонага мос равишда жиҳозланиб янги қиёфага эга бўлмоқда. Шу билан бирга биз, ўқитувчилар учун ҳам, ўз малакамизни замон талабига монанди оширишимиз учун имкониятлар ва шароитлар яратилмоқда.

Яқинда «Ўзэкспомарказ» республика савдо-кўргазмаси марказида ташкил этилган кўргазма доирасида менга маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан тақлиф этилаётган лингафон хонасида уч кун давомида «очик дарслар» ўтказиш тақлиф қилинганда, бироз чўчигандай бўлиш, нега деганда 22 йилдан буён мактабда француз тилидан болаларга сабоқ бераётган бўлсамда, ammo бундай шароитда тўлиқ равишда электрон жиҳозланган хонада дарсни ҳеч ҳам ўтмаганман. Қарангки, Истиклол шарофати билан, ислохотлар натижаси ўлароқ неча йиллардан бери оруз бўлиб келаётган бундай имконият нарҳоти амалга ошириладиган бўлса? Президентимиз биз, ўқитувчилар билан бўлган суҳбатлари пайтда лингафон хонанинг моҳияти ва аҳамияти хусусида фикр билдирганларидан, бу савол яқин кунларда ижобий якуни топишига икорор бўлидим.

Юртбошимиз келаёганимиз ўсиб келаётган авлоднинг қўлида дея, ўзлари бош бўлиб, бунинг пойдеворининг мустаҳкам бўлишига раҳнамолик қилаётганликлари бизга ҳам ғурур, ҳам ифтихор бахш этиши билан бирга, шунга жавобан бизнинг олдимишга қўйилган масъулият ва юксак ишонч — баркамол авлоднинг тарбиялашга бор кучимиз ва имкониятларни ишга солишимиз, бу борадаги саъй-ҳаракатларимизни чуқур англаган ҳолда амалга оширишимиз даркордир.

Мактабларда лингафон хоналаридан кенг фойдаланиш, ҳар бир ўқувчида авваломбор ўзига бўлган ишонч ошади, унинг тилини ўзлаштириши осон кечади, тенгдошлари олдига истиқола қилмасдан ўқитувчи билан мулоқот қила олади, у атрофдагиларга халат қилмаган ҳолда ўқини, ёзиши, микрофон орқали белгиланган хатоларини тўриллашига имконият яратилади.

Президентимизнинг мактабларни жиҳозлаш учун ажратилган маблағларни тўғри ва мақсадли йўналтириш лозим деган фикрларини инobatга олган ҳолда демократиканчи, лингафон хоналарининг мактабда жорий этилиши, пировардида ҳар бир ўқувчи 11-синфни битириб чиққунга қадар бирон-бир чет тилида бемалол сўзлаша олишига асосдир. Бунин мен ишонтириб айтаман.

Гулҳажа РАСУЛОВА, Юнусобод тумани халқ таълими бўлими услубий хонаси мудири:

— Барчамизга маълумки, мактабда таълим-тарбия беришга юқори даражада таъсир

этувчи омил — бу мактабнинг моддий-техника негизидир.

Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомаркази»да намойиш этилган мактаб жиҳозлари кўргазмаси билан туманимиз тасарруфидидаги барча мактаб ўқитувчилари, ота-оналар, ўқувчиларимиз ҳам катта қизиқиш билан танишишди. Кўргазмада намойиш этилган жиҳозлар ўқув жараёнида фойдаланиладиган ўқув куроллари, компьютер, лингафон, маънавият, расм-чизмачилик, тиббиёт хоналари ўқитувчиларда катта таассурот қолдирди. Қарангки, 20-25 йилдан буён бирор мартаба таъмирланмаган мактаблардаги мавжуд парта, стол-стул ва бошқа жиҳозлар таъмирталаб бўлиб, ҳаттоки яроқсиз холатга келган, ўқув куролларига келсақ, транспорт, қирқулдан тортиб оддий чизгичга эхтиёж катта бўлиб қолаётганди. Кўргазмада бундай ускуна ва асбобларни математика, расм-чизмачилик хоналарининг жиҳозланиши намойишида кўриб хурсанд бўлишди. Физика, химия, биология фанлари бўйича синфларда ҳар бир партада ўқувчилар учун ўқув-лаборатория воситаларидан микроскоп, коллопозитивларнинг мавжудлиги нечоғли мақсадга мувофиқ эканлигини ҳар бир кўргазма иштирокчиси эътироф этди десак адашмаган бўламиз. Ўқувчиларимиз учун бу ерда компьютер синфидидаги электрон дарсликлардан фойдаланишга, химия-физика хоналаридан лаборатория машгулотларида қатнашишга имконият бўлди.

Айниқса муҳтарам Юртбошимизнинг кўргазмага ташрифлари чоғида ҳар бир жиҳозга холисона фикр билдирганлари, биз, ўқитувчилар билан суҳбатлашганлари катта таассурот қолдирди.

Уйлаيمانки, кўргазмада намойиш этилган бу жиҳозлар билан яқин келажақда ҳар бир мактаб таъминланади. Давлатимиз томонидан бизнинг, шу жумладан фарзандларимиз эхтиёжлари қондирилишига шундай тарзда сай-ҳаракатлар қилинаётган экан, бу ишонч оқлашга, ўсиб келаётган авлодимизнинг баркамол бўлиб вояга етишига ҳар биримиз сийқидилдан ёндошиб, бор имкониятларимизни ишга солишга ҳаракат қилайлик.

Мавлуда ОЛИМЖОНОВА, 45-мактаб директори:

— Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурига асосан бизнинг мактаб келгуси йилда капитал реконструкцияга тушади. Ушбу йўналишдаги ишлар доирасида янги ўқув иншооти, охинона ва энг муҳими — ўтган давр мобайнида мавжуд бўлмаган спорт зали қурилиши ҳамда санитария тармоқлари ётқирилиши кўзда тутилмоқда. Гап шундаки, мактабимиз 1936 йилда очилган, яъни 2006 йилда биз 70 ёшга тўламиз ва бу санани бус-бутун янгиланган мактабда нишонлашимиз ҳаммамизга қувонч бағишлайди, албатта.

Баркамол авлоднинг тарбияси оиладан ва мактабдан бошланади. Фарзандларимиз бугунги кунда қандай шароитда шаклланаётгани, шубҳасиз, уларнинг келажақда қандай инсон бўлишларига бевосита таъсир кўрсатади.

Мамлакатимиз Президентини ташаббуси ва

амалга оширилиши режалаштирилган. Бу дегани ушбу мактабларнинг барини янгитдан жиҳозлаш ҳам даркордир.

Бу борада қорхоналарнинг имкониятлари қандай? Бир неча кун давомида «Ўзэкспомаркази»да намойиш этилган мактаб жиҳозлари кўргазмаси ички бозоримиз кун сайин замон талабига мос, демакки рақобатбардош маҳаллий хом ашёдан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, шу жумладан ўқув меъбела ва спорт анжумлари, техник воситалари билан ҳам тўлдириб борилаётганининг ёркин далили бўлди. Имкониятга келсақ, ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчилар бор куч ва ғайратини ишга солишга тайёр. Лекин шу ўринда қуйидаги саволнинг туғилиши табиий: кимнинг маҳсулотига кўпроқ талаб бўлади?

Бозор иқтисодиётининг қонун-қоидалари асосида ўтказилган танловнинг дастлабки босқичида 150 та қорхона иштирок этган бўлса, шулардан энг мақбул топилган 47 тасининг жиҳоз ва ускуналари «Ўзэкспомаркази»да намойиш этилиб, кенг жамоатчиликка манзур бўлди. Айниқса ушбу кўргазмага Юртбошимизнинг ташрифи ҳам ишлаб чиқарувчилар, ҳам таълим соҳаси вакиллари учун катта ишонч ва масъулият белгиси бўлди, десак адашмаймиз.

Тошкент шахар Халқ таълими бош бошқармаси маълумотига кўра, биргина Тошкент шахридан кўргазмага 10 мингдан зиёд ўқитувчи ҳамда ўқувчилар ташриф буюрган ва унда намойиш этилган маҳсулотлар билан яқиндан танишиш билан бир қаторда улар ўз фикр-мулоҳазаларини ҳам билдиришган. Шу билан бирга таълим соҳаси вакиллари ушбу кўргазмадан олган таассуротлари билан ўртоқлашиш мақсадида тахририятимизга йўллаётган хатлари ва телефон қўнғироклари давом этмоқда. Қуйида уларнинг баъзиларини газетхоналаримизга ҳавола эта-миз.

бевосита қўллаб-қувватлашлари остида мактаб таълимини ривожлантириш борасида кенг қўламли дастур амалга оширилмоқда. Бундан эса мактабларнинг моддий негизини яхшилаш билан бир қаторда ўқув-услубий жараёни такомиллаштириш, ўқитувчиларнинг профессионал даражасини замон талабларига мос равишда ошириш назарда тутилаётган.

Капитал реконструкциядан сўнг мактабимизни тегишли равишда жиҳозлашимиз ҳам талаб этилади. 2004-2005 ўқув йилида бизга 700 ўринли парталар, ўқитувчилар стол-стуллари ажратилган эди. Айни пайтда эса физика, кимё ва биология фанлари хоналари лаборатория ускуналари билан тубдан янгиланиши лозим. Шу мақсадда мактабимиз ўқитувчи ва ўқувчилар кунни кеча ўз яшини яқунлаган мактаб жиҳозлари кўргазмасига ташриф буюриб, бу ердаги умумтаълим муассасалари учун мўлжалланган меъбела, ўқув-лаборатория жиҳозлари, компьютер техникаларини синчковлик билан кўздан кечиришди. Маҳаллий қорхоналардан айтиб эсимизга яхши, хайрли ишни олганини ўзиб ўтиш лозим. Демак, хоҳиш-истак бўлса, имконият ҳам топилар экан-ку. «Файз» холдинг компанияси томонидан тавсия этилган парталар, назаримизда, кўпчилик эътиборини ўзига тортди. Дарвоқе, бизнинг синфларимиз ҳам шу қорхона анжумлари билан жиҳозланган ва болаларимизга ҳар томонлама маъқул бўлмоқда.

Мамлакатимиз раҳбари 2009 йилга қадар барча мактаблар шу каби замонавий анжумлар, асбоб-ускуналар, техник воситалар билан жиҳозланишини таъкидлаб ўтдилар. Ammo бу дегани биз бу йўналишдаги ишлар фақат қачонки бюджет ёки ҳомийлар жиҳобидан қилинишини кутиб ўтиришимиз лозим эмас. Ҳукуматнинг 414-қарорига мувофиқ умумтаълим муассасаларига қисман маблағ топиши учун қулай имконият берилган. Шу мақсадда мактабимизда қўшимча дарс бериш курслари, яқшанба мактаблари очилган.

Менинг мактаб жиҳозлари ишлаб чиқарувчиларга бир неча тақлифларим бор эди. Назаримда, бошланғич синфлар учун доска мазмуни ва шакли билан ажралаб туриши лозим. Масалан, биринчи марта ҳар ва рақамлари ўрганиётган фарзандларимиз учун қулайлигини инobatга олиб, доска майдонда дастлаб чизкилар бўлса мақсадга яраша бўлар эди. Ўқувчи ва ўқитувчилар, Президентимиз айтганларидек, мактаб жиҳозларини танлаш ва мақбулини харид қилишда энг асосий буюртмачи бўлиши лозим экан, бу масала ҳал этилишида бизнинг фикрларимиз ва тақлифларимиз инobatга олиншига ишониб қоламиз...

Хурматли газетхоналар, мамлакатимизда ушбу йўналишда ҳамда умуман мактаб таълимини ривожлантириш борасида амалга ошириладиган сай-ҳаракатлар юзасидан сизнинг фикр-мулоҳазаларингизни қўтиб қоламиз.  
Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

## Иқтисоқий

ИМПОРТ  
ЎРНИНИ  
БОСАДИ

Шахримизда хусусий тадбиркорлар сафи ортиб бораётганлиги, айниқса уларнинг кўпчилигини асосан ғайрат-шижоатли, ташаббускор ёшлар ташкил қилаётганлиги эътиборга молик. Мирзо Улугбек туманида фаолият юритаётган ёш тадбиркор Шерзод Худойбердиев шулар жумласидандир.

«Шерзод-Абдулла» хусусий ишлаб чиқариш савдо фирмасида асосан рақобатбардош маҳсулотлар, яъни эркалар учун костюм-шимлар тикилади. Замонавий, кўркам, сифатли устки кийимлар фирманинг оилавий жамоаси излашлари тўғрисида айтиш мумкин.

Тошкент Давлат тўқимачилик ва енгил саноат институтини муваффақиятли тамомлаган, — дейди фирма директори Шерзод Худойбердиев, — хусусий бизнесни очишни мақсад қилиб кўйганим, отамнинг ёрдамлари билан мақсадимни амалга оширдим. Ота касбимни давом эттириш, уни ривожлантириш ҳамда ука-сингилларимга ўз йўлларини тўғри топишларида ёрдам беришим менга куч бағишлайди.

Цехга ўрнатилган самарали дастгоҳ ва ускуналар фирма жамоа аҳлига мадад бўлмоқда. Эътиборли томони бу ерда мижозлар истегига буюнган кийимлар таъмирлаш ҳам йўлга қўйилган. Жорий йилдан фирмада бозорни ўрганиш асносида аёлларнинг мавсумий замонавий устки кийимларига буюртмалар олинмоқда.

КЎРКАМ  
ЧИННИЛАР

Қайси хонадонга ташриф буюрманг, барчасида чиройли, нафис чинни буюмлардан фойдаланишининг гувоҳи бўласиз. Ҳамшаҳарларимизга манзур бўлган бундай идишларни «ГЮР» масъулияти чекланган жамияти жамоаси ҳам анча йиллардан бундан ишлаб чиқариб, ички бозоримизни бу турдаги маҳсулотлар билан тўлдиршига муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Кувонарлиси, барча чинни буюмлари тайёрлаш учун 90 фоиз маҳаллий хом ашёдан фойдаланилади. Ишлаб чиқариш технологиясига қатъий амал қилиш сифат кафолати эканлигини 20 нафар малакали, касбига меҳр қўйган чиннисозлар яхши англаган ҳолда меҳнат қилмоқдалар.

Айниқса, корхонанинг «Пахта», «Шалола», «Узум», «Олма», «Кийик» каби чинни термалари аллақачон мижозларни мамнун қилиб, янги буюртмалар яратишга ҳам асос бўлмоқда. Тадбиркорлик билан иш юритаётган раҳбариятнинг саб-ҳаракатлари тўғрисида ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш эзгу мақсади амалга оширишга шубҳа қилмас ҳам бўлади.

Муассар  
АБДУРАСУЛОВА

Омонгалди Хўжаев бугунги кунда мурораб 60 ёшни қарши олмақда. Ана шу қўлаб сана олдиндан улар умрининг яшаб ўтган йилларини сарҳисоб қилишга жазм этди.

Зеро, сиҳат-саломатлик йилида кишилар дардига дармон бўлиб келаётган халқ ихлос қўйган шифокорларимиз ҳақида ҳар қанча ёзса ҳам арзийди.

Инсон ёшлик чоғиданоқ нимагадир ҳавас қилиб улғая бошлайди. Кимгадир ўхшамоқчи бўлади. Омон ака ҳам ёшлигиданоқ отасига ҳавас билан боқар, келажакда отаси каби машҳур ҳақим бўлишни истар ва ўша кунларга умид билан талпинарди.

Унинг отаси Хўжа ака ўз даврининг машҳур табиби сифатида ном қозонган эди. Уйда ҳар кун кўллаб беморни қабул қилар ва улғая ўзи гиёҳлардан тайёрлаган турли дәмламалар, малҳамларни дори-дармон сифатида тавсия этарди. Оёқ-кўли синган-чиққанларни ҳам тахтача билан боғлаб халқона усулда даволарди. Зулук қўйиш ботида ҳам унга тенг келадигани йўқ эди. Йиллар ўтгани сайин Омон аканинг оддийгина ҳаваси асосли бир мақсадга айланди. У энди табиб эмас, малакали шифокор бўлишга интиди. Зеро отасининг нияти ҳам шу эди. Урта мактабни аъло баҳоларга тугатиб Тошкент Давлат тиббиёт институтига ўқишга кирди. Тиришқоқлиги сабаб, ўқиб юрган давридаёқ клиникада ишлаб бошлади. Институтни тугатганидан сўнг эса, устозларининг тавсияси билан мазкур институтда қолиб талабаларга сабоқ берди.

1982 йилда «Қуруқ, иссиқ иқлимда юкүмли ўткир ичак касалликларининг келиб чиқиш сабаблари ва унинг олдини олиш чора-тадбирлари» мавзудаги илмий ишینی ёқлаб, тиббиёт фанлари номзоди бўлди.

Ана шундан сўнг унинг самарали меҳнат фаолияти бошланди. Бир неча йиллар давомида Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида, Навоий, Жиззах, Сирдарё вилоятларида соғлиқни сақлаш бошқармаларида турли хил лавозимларда астойдил меҳнат қилди. У қаерда бўлмасин, халқ соғлигини сақлашни энг муҳим ва долзарб вазифа сифатида устун қўйди. Йиллар давомида изланди, интилди. Ўз билим ва тажрибасини янада мукамаллаштириш, бойитиш ва шу йўлда инсонлар ишончи ва эътиборини қозониш, улғая ёрдам бериш мақсадида буюк мутафаккир, тибб илмининг даҳоси Абу Али ибн Сино таълимотини чуқур ўрганишга киришди. Шу эзгу мақсад йўлида Омонгалди Хўжаев Россиянинг тоғли Олтой ўлкасига сафар қилди. У ерда шифобош ўсимликлар, гиёҳлардан доривор ўтлар тайёрлашга киришди.

Хитойлик машҳур профессор Ван Вай Чен билан ҳамкорлик қилиш, унинг тажрибасини ўрганиш учун Новокузнецк шаҳрига борди. Омон акадаги қизиқишни, қатъиятни кўрган профессор уни Реклосотерапия курсида ўқишга таклиф қилди. Бу даврда Омонгалди Хўжаев Хитой усулида ташхис қўйиш, игна ёрдамида даволаш, инсон организмидagi меридиан чизиқлар орқали касалликни аниқлаш, нуқтали уқалаш усул-

лар анжомлар билан жиҳозланган. Биз беморлар билан мулоқотда бўлар эканмиз, улар юзидаги табассум ва кувонч, кўнглидан изҳор қилаётган дил сўзларини эшитиб ростки, худаям хурсанд бўлдик. Ушбу шифо масканида бел оғриги, чурра, остеохондроз, бўғин ва асаб касалликлари билан оғриган беморлар игна билан даволаш, мануал терапия, доривор гиёҳлардан тайёрланган дәмламалардан ванна қилиш, ваку-

ум ёрдамида игна қўйиш усулларида даволанадилар. Ширин сўз, малакали профессорлар, шифокорлар ва ҳамширалар Омон ака бошчилигида беморларга беминат хизмат қилаяпти.

Заҳматкаш ва камтар инсон, қўли енгил шифокор Омон Хўжаев бугун халқнинг ишончига, меҳрига ва асосийси хурматида сазовор бўлди. Болаликдаги орзуси амалга ошди, отасининг ниятлари ижобат бўлди. Бундан ортиқ бахт борми инсонга. Зеро яшашнинг эмзүми яхшилиқ қилиш, тинмай изланиш ва машаққатли меҳнат ортидан келган обрў-эътибор эмасми?

— Шифокорлик касби билан шуғулланган одам фидойи бўлиши керак, — дейди Омон Хўжаев. — Биринчидан, у беморнинг дарду ҳасратларини диққат билан эшити олиши шарт. Иккинчидан, бемор унга бор дардларини тўкиб солиши, нималардан азият чекаётганлигини айта олиши лозим. Беморлар жуда синовчан бўлишади. Агар биз уларнинг ишончини оқламадик, дилини ранжитмаскимизда унум ҳам бўлмайди. Энг ёмони беморларнинг биздан ихлоси қайтади. Мен умрим давомида нимаики қилаётган бўлсам, қандай қўл ураётган бўлсам, биринчи ўринда инсон саломатлигини ўйладим. Инсонларни даволаш, улғая ёрдам бериш болаликдаги орзум эди. Чунки отам эл севган табиб. Онам ҳам 25-30 йил туғруқхонада ишлаганлар, мен улар ишینی давом эттирялман. Қўлдан келганча одамларга ёрдам берайман, ишончини оқлаяйман, уларни даволаяйман...


Омонгалди Хўжаев бугунги кунда фарзандларининг ғамхўр отаси, невараларининг меҳрибон бобоси, беморларнинг ишонган ва ихлос қўйган шифокори, ходимларининг талабчан раҳбари. Ҳаётда эса оддийгина, камтарин инсон. Биз мақоламизга нуқта қўйиш олдинда заҳматкаш шифокорга қўлларингиз дард кўрмасин, меҳнатингиз роҳатини, фарзандларингиз камолини, беморларингизнинг самийий дил розларини эшитиб юриш сизга доимо нарисиз этакверсин, дея тилак билдириб қоламиз.

Гулчехра ДУРДИЕВА  
СУРАТДА: тиббиёт фанлари номзоди Омон Хўжаев беморни тиббий назоратдан ўтказмоқда.

## 2005 — Сиҳат-саломатлик йили

УМРНИНГ ШУКУҲЛИ  
ЛАҲЗАЛАРИ

Омонгалди Хўжаев. Шу икки жумлани ёздум, ўйлаб қолдим. Бу инсон ҳақида кўнглидагидек равои ёза олармиканман? Негаки ҳаётининг асосий қисмини инсонлар соғлигини яхшилашга бағишлаб келаётган, яшашнинг асл маъносини эзгулик мезони билан ўлчаётган тиниб-тинчимас бу инсон мактовни сира ёқтирмас, жуда камтар ва шунинг баробарида қатъиятли ва тўғри сўз.



ларини моҳирлик ва тайраклик билан ўзлаштириб, ўрганиб олди.

У устози Ван Вай Чен билан 12 йил мобайнида ҳамкорлик қилди, дори-дармонсиз даволашнинг ноёб усулларини ўрганди. Шунинг натижаси ўлароқ ўз билим ва тажрибасини мустақил қўллаш истагида, Прокопьевск шаҳрида тиббиёт маркази очди ва беморларни қабул қила бошлади.

Ҳа, ўзга юрда қўли енгил ўзбек шифокорининг доврғи тилларда достон бўлгани айни ҳақиқат. У ҳақда газеталарда босилган мақолаларни Омон ака ҳамон асраб қўйибди.

О.Хўжаев устози хитойлик профессорнинг тавсияси ва таклифи билан бир неча маротаба Хитойга бориб ўз билими ва тажрибасини янада ошириб қайтди.

Яхши ниятлар билан 2003 йилда пойтахтимизда «Монод Омон» хусусий тиббий марказини очди. Жорий йилда эса узоқ вилоятлардан келган ва оғир аҳволдаги беморлар учун янги ётоқхона ташкил этилди. 2-4 кишига мўлжалланган хоналарда беморлар учун барча шароитлар мужассам. Хоналар замонавий усулда безатилиб, керакли ва за-

АЛОҚАЧИЛАРНИНГ ХАЛҚАРО  
КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Тошкент ахборот технологиялари университетида «Ўзбекистоннинг алоқа ва ахборот технологиялари ҳолати ва ривожланиш истиқболлари» мавзуда халқаро илмий-техник конференция очилди.

Анжуманда мамлакатимиз олим ва мутахассислари, қатор хоржий университетлар, институтлар, компаниялар, фирма ва ташкилотлар вакиллари иштирок этмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Бош директори А.Орипов мустақиллик йилларида Ўзбекистонда алоқа ва ахборот-коммуникация технологиялари тар-

моғи жадал сурьатда ривожланаётганини таъкидлади. Президент Ислом Каримовнинг 2002 йил 30 майда қабул қилинган «Компьютерлаштиришینی янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармони соҳани янада тараққий эттиришга кучли туртки берди.

Айни пайтда республикани жаҳон ахборот ҳамжамиятига жадал интеграциялаш чора-

тадбирлари босқичма-босқич амалга оширилаётди. Бунинг учун қонунчилик базаси ҳам такомиллаштирилмоқда. Кейинги пайтда бу йўналишда қабул қилинган «Ахборотлаштириш тўғрисида», «Электрон рақамли имзо тўғрисида», «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида», «Электрон тижорат тўғрисида»ги қатор қонунлар ана шу мақсадга хизмат қилади.

Шўба мажлисларида

алоқа ва ахборотлаштиришнинг «Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари», «Интернет ва корпоратив тармоқлар», «Почта алоқаси», «Радиоалоқа, радиоэшитириш ва телевидение», «Алоқа соҳасида менежмент ва маркетинг» каби жорий ва истиқболли йўналишларини ривожлантиришга бағишланган маъруза ҳамда маълумотлар тингланади.

Университет залида юртимизда фаолият кўрсатаётган компаниялар, корхоналар, фирма ва ташкилотларнинг алоқа ҳамда ахборотлаштириш соҳасидаги ютуқларига бағишланган кўргазма намойиш этилмоқда.

ЎЗА.



Касб-хунар коллежларида

# КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТИЛГАН

Шахримиздаги Чилонзор ижтимоий таъминот касб-хунар коллежида бўлганимизда имконияти чекланган — ногирон, етим ҳамда кам таъминланган оилалар фарзандларининг нафақат билимга чанқок, балки касб-хунар эгаллашга бўлган иштиёқлари баландлиги бизни қувонтирди.

— Билим юртимиз, — дейди коллеж директори Шавкат Зокиров, — Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тасарруфиди бўлиб, 1938 йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. 2004 йилда эса ўқув масканимизга коллеж мақоми берилди. Бизда таълим бир неча йўналишлар бўйича олиб борилади. Масалан, кенг турдаги кийимлар тикувчиси, радио-телеаппаратуралари таъмирловчи уста, пойабзал тикувчи ва таъмирловчи уста, шунингдек, маиший уй-рўзгор электр асбобларини таъмирлаш устаси мутахассисликларига ўқитилади.

Килиш вазирлиги томонидан таъмирланди ва ёшларга етарли шарт-шароитлар яратилиши мақсадида АҚШ давлатининг беғараз ёрдами туфайли мебель, ўрин-кўрпа анжомлари, керакал асбоблар билан жиҳозланди.




роитлар яратиши мақсадида АҚШ давлатининг беғараз ёрдами туфайли мебель, ўрин-кўрпа анжомлари, керакал асбоблар билан жиҳозланди. Масканимизда спорт залида замонавий спорт жиҳозлари, тренажёрлар ёрдамида малакали жисмоний тарбия ўқитувчиси назоратидан ўқувчиларнинг махсус соғломлаштириш машқури учун етарли имкониятлар яратилган. Фан хоналари, лабораториялар замонавий техника асбоблар, компьютер, дарслик ҳамда кўргазмалар кўрсатиладиган ўқув хоналари, амалиёт ўқув хоналари, маънавият ва маърифат хонаси, махсус жиҳозланган ошхона ўқувчилар хизматида.

Бугунги кунда таълим масканида 436 нафар турли тоифадаги ногирон, етим ҳамда кам таъминланган оила фарзандлари таълим олишмоқда. Улар нафақат пойтахтлик, балки юртимизнинг турли вилоятларидан келган ёшлардир. Шу боис ҳам коллеж таълим бунёдига 400 ўқувчи мўлжалланган ётоқхона мавжуд бўлиб, у ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза

нинг вазифаси ўта масъулиятли ҳисобланади. Мирхон Омонов, Санъат Муҳидинова, Гулнора Каримова сингари фан ўқитувчилари, Қаҳқор Сатторов, Сайёра Алихонова, Кавсар Шавкатова каби ишлаб чиқариш усталари таъжриба, касб-маҳоратларини таъқидлаш ўринли. Айниқса, кўзи оқизлар гуруҳи усталари Бахтиёр Усмонов ҳамда Надежда Давилеколлар меҳнати алоҳида таъсирга эришди.

Сихат-саломатлик йили муносабати билан "Ўзфармасаноат", "Универсалфарм" корхоналари, "Радикс" илмий ишлаб чиқариш корхонаси коллеж ўқувчиларига катта миқдорда дори-дармонлар ажратишди. Йил охиригача улардан яна ёрдам кўтиломоқда. Янги ўқув йилига замонавий жиҳозланган ошхона ишга туширилади, ўқув корпусида ҳам режада белгиланган ишлар қилинади.

Сирасини айтганда, коллеж ёшларининг соғлом тенгқўлларидан ўзларини кам сезмасликлари учун раҳбарият ҳамда ахил педагоглар жамоаси унумли сайё-харакатларни амалга оширмоқдалар. Зеро "Харакатда баракат" деб халқимиз бежиз айтмайди.



Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА СУРАТЛАРДА: Тошкент шаҳар Чилонзор ижтимоий таъминот касб-хунар коллежи ҳаётидан лавҳалар.

Алексей Попов олган суратлар.

— Яқинда Президентимизнинг халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессиясидаги нутқидаги, — дейди меҳнат бўлими раҳбари Шухрат Исмолов, — ўринли танқид ва галдаги белгиланган вазифалардан жамоамиз ҳам тегишли хулосалар чиқарди. Қилган ишларимизни қайта тақдир қилдик, юзага келган муаммо ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш учун аниқ режалар белгиланди.

Айни кунларда бугунги куннинг долзарб масаласи бўлган иш билан банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлаш, хусусан, жорий йилда ишлаш истагида бўлган битирувчиларга вақант жойлар яратиш масаласи билан машғулмиз. Яъни, шу ойнинг иккинчи чорагида туманимизда «Битирувчи-2005» меҳнат ярмаркасини ўтказиш мақсадида режадаги ишларни олиб бормоқдамиз. Ишда сама-

радорликка эришиш учун туманимиздаги 48 та маҳаллалар оқсоқоллари билан ўзаро ҳам-

ўзгача. Туманда 4 та олий ўқув юрталари, 15 та касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар

нат ярмаркасида туманимизда фаолият юритаётган халқ амали санъати, хунармандчилик усталарини ўз маҳсулотларидан намуналар билан қатнашишга таклиф қилишни мақсад қилиб қўйганмиз. Бу ишни амалга ошириш ўз-ўзидан бўлмаслигини яхши англаган ҳолда Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги, «Хунармандлар уюшмаси», «Усто» бирлашмаси, яқка тартибда фаолият юритувчи хунармандлар бизга ёрдам қўлларини чўзадилар, деган умиддамиз.

Шуни алоҳида таъқидламоқчиманки, туманимиз аҳолиси, айниқса, ёшларимизнинг ўзига хос хусусияти, уларнинг қизиқлиқларини ўрганиш асосида меҳнат ярмаркаларини бутунлай янгилаш, асосийси, уларнинг самарадорлигини оширишга йўналтирган ҳолда ўтказишга интиламиз.

Муҳаббат УМАРБЕКОВА

## Банқлик хизмати МУАММОЛАР ЕЧИМИНИ ИЗЛАБ...

Ҳадемай юртимизда яна бир ўқув йили тугайди. Биз олий ўқув юрталари, касб-хунар коллежлари ҳамда академик лицейлар битирувчиларидан ишлаш истагида бўлганларни пойтахтдаги меҳнат бўлими томонидан ишга жойлаштириш масаласи қандай амалга оширилиши билан қизиқиб Шайхонтоҳур туман меҳнат бўлимида бўлдик.

корликни йўлга қўйганмиз. Шайхонтоҳур туманида бугунги кунда 2 мингтадан ортиқ катта-кичик корхона, ташкилот-фирма фаолият юритмоқда. Эски шаҳар аҳолиси айниқса ёшларда халқ амали санъати, хунармандчилигига меҳр, қизиқиш

мавжуд бўлиб, жорий йилда 797 нафар йигит-қизлар олий маълумот ҳақида диплом олсалар, 2904 нафар ўқувчилар битирувчилар фаолият юритмоқда. Эски шаҳар аҳолиси айниқса ёшларда халқ амали санъати, хунармандчилигига меҳр, қизиқиш

# ИШГА АМАРҲАМАТ!

Сўранг, жавоб берамиз

ЎЗ ЖОЙИМДА ИШЛАШГА ҲАҚЛИМАНМИ?

## МУЛК СОЛИГИ ТўЛАЙМИЗМИ?

Мен ишлаётган корхона асосий фаолият бўйича ягона солиқ тўлайди. Биз айни пайтда умумий овқатланиш фаолияти билан ҳам шуғулланамиз. Бу ҳолатда мулк солиғи тўлаймизми?

Равшан Солиев, ҳисобчи, Миробод тумани.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг тушунтириш хатларига мувофиқ ягона ер солиғи тўловчи ишлаб чиқариш корхонаси асосий фаолиятдан ташқари умумий овқатланиш билан ҳам шуғулланса, алоҳида-алоҳида ҳисоб олиб боради. Савдо (умумий овқатланиш) фаолияти бўйича даромад ва мулк

солиғи тўлайди.

қилиниши мумкин.

Ҳодим ишдан бўшаганидан кейин меҳнат дафтарчасини йўқотиб қўйса, у қаерга мурожаат қилиши мумкин?

Соҳиба Ниёзова, Сергели тумани.

Бу ҳолатда ходим ариза билан меҳнат дафтарчаси дубликатини ёзиб беришни сўраб иш жойига мурожаат қилишга ҳақли. Ариза қабул қилинган кундан сўнг 15 кундан кечиктирмасдан иш берувчи ходимга муассасада қолган ходимнинг Т-2 шаклидаги шахсий карточкасидаги ёзувлар асосида ёзиб бериши шарт.

Ходимга янги меҳнат дафтарчаси ва унинг дубликати ёзиб берилганда ундан белгиланган энг кам иш ҳақининг 10 фоизи миқдорда ҳақ ундириб олинади.

лик бўлмаган ҳолатлар бўйича меҳнат шартномаси асосида бекор қилиниши мумкин.

## ҚАЕРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНАДИ?

Ходим ишдан бўшаганидан кейин меҳнат дафтарчасини йўқотиб қўйса, у қаерга мурожаат қилиши мумкин?

Соҳиба Ниёзова, Сергели тумани.

Бу ҳолатда ходим ариза билан меҳнат дафтарчаси дубликатини ёзиб беришни сўраб иш жойига мурожаат қилишга ҳақли. Ариза қабул қилинган кундан сўнг 15 кундан кечиктирмасдан иш берувчи ходимга муассасада қолган ходимнинг Т-2 шаклидаги шахсий карточкасидаги ёзувлар асосида ёзиб бериши шарт.

Ходимга янги меҳнат дафтарчаси ва унинг дубликати ёзиб берилганда ундан белгиланган энг кам иш ҳақининг 10 фоизи миқдорда ҳақ ундириб олинади.

# УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТКАЗИЛДИ

Бугунги куннинг долзарб масаласига айланиб қолган аҳолини иш билан таъминлаш бўйича йиллик қўйилган қатор муаммоларни ечиш Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялаш бош бошқармасига қарашли барча туман меҳнат бўлимлари зиммаларидаги асосий вазифа ҳисобланади.

Шу мақсадда кун кеча Бектемир туман ҳокимлиги ҳамда туман меҳнат бўлими жамоаси ҳамкорликда «Миришкор» маҳалласида «Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлар» меҳнат ярмаркасини ўтказишди. Унга «Роҳат», Абай, «Маърифат», «Истиқбол» каби тумандаги 8 та маҳаллаларда истиқомат қилувчи иш билан банд бўлмаган фуқаролар таклиф этилди.

Мазкур меҳнат ярмаркасида тумандаги 24 та катта-кичик корхона, ташкилот, муассасалар 80 та бўш иш ўринлари билан қатнашди.

Президентимиз Ислам Каримов халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши сессиясидаги нутқида аҳолини иш билан таъминлашда қатор муаммолар борлиги ҳақида алоҳида тўхтади, — дейди Бектемир туман меҳнат бўлими раҳбари Мансур Толибов. — Пойтахтимизда ҳозирги кунда иш билан доимий банд бўлмаган аҳоли 47,7 миң нафар фуқарони ташкил этгани ҳолда, ўтган 2004 йилда меҳнат бўлимида ўтказилган 57 та ярмаркаларда бор-йўғи 1 миң 714 нафар аҳолига йўланма берилган. Бизнинг туманда ҳам

ишлар қониқарсизлиги айтиб ўтилди. Шу боис ҳам ўринли тақдирдан хулоса чиқариб жамоамиз билан иш режамизни қайта кўриб чиқдик. Аҳоли ичига кириб бориш мақсадида меҳнат ярмаркаларини самарадорлигини

туманда фаолият юритаётган «Мармакс», «Агрокерамика» қўшма корхоналари, «Махсустранс», «Паркент-Корасув» корхоналари, ободонлаштириш бўлими, туман халқ таълими бошқармасига ишга жойланди.

Жумладан, яқинда 5 нафар ёшлар Тошкент шаҳар ҳокимлиги Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасига қарашли Ишсизларни қасбга таъйинлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими, туман халқ таълими бошқармасига ишга жойланди.

Президентимиз Ислам Каримов халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши сессиясидаги нутқида аҳолини иш билан таъминлашда қатор муаммолар борлиги ҳақида алоҳида тўхтади, — дейди Бектемир туман меҳнат бўлими раҳбари Мансур Толибов. — Пойтахтимизда ҳозирги кунда иш билан доимий банд бўлмаган аҳоли 47,7 миң нафар фуқарони ташкил этгани ҳолда, ўтган 2004 йилда меҳнат бўлимида ўтказилган 57 та ярмаркаларда бор-йўғи 1 миң 714 нафар аҳолига йўланма берилди. Масалан, улар


ошириш ниятида. Келгусида ҳам аниқ режалар асосида ишларни жонлантириш, олдимишдаги масъулиятни чуқурроқ ҳис этишга ҳаракат қиламиз.

Ўтказилган ярмаркада доимий иш билан банд бўлмаган 127 нафар фуқаролар қатнашди, эътиборли томони, қатнашчиларга меҳнат бўлими жамоаси томонидан «Ижтимоий ҳимоя — амалда» деб номланган кўпгина маълумотларни ўз ичига олган буклет тарқатилди, фуқаролардан 37 нафарига турли корхона, ташкилот, муассасаларга йўланма берилди. Масалан, улар

нафар фуқарога малакали масолақлар беришди. Шу ўринда таъқидлаш ўринлики, меҳнат ярмаркалари иш билан банд бўлмаган аҳолини ўзи хоҳлаган мутахассисликларига кўра ишга жойлаштириш, қасбга эга бўлмаганларни эса ўқишга йўланма билан таъминлашга ҳисса қўйса, қўзғалган мақсадга эришилади.

Салкамим БОБОСАЙДОВ СУРАТЛАРДА: Бектемир туман меҳнат бўлими томонидан ўтказилган меҳнат ярмаркасида лавҳалар.

Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.



## Касбин — фахрим

# ДИҚҚАТ, ОБЪЕКТИВГА ҚАРАНГ!

• Бахтиёр ДАВРОНОВ, ёш сураткаш: — Дунёда касблар жуда кўп. Хар бир одам ўзи хоҳлаган, кўнгли мойил бўлган касб-хунарни танлайди, албатта. Шу боис бўлса керак, ўзимиз севиб ишлаётган касбимиздан завқланамиз, мамнулик ҳиссини тузимиз.

Жуда ёшлигимдан оилавий альбомни томоша қилишни ёқтирдим, уни қайта-қайта варақлаётганман. 10 ёшларда синфдошларим билан шаҳар қўшма таълим марказига фототўрака бориб ёзилдик. Мактабни битирувчида устозларимдан анчагина сабоқ олиб улгурдим ва мустақил равишда суратлар олиб, матбуот саҳифаларида уларни эълон қила бошладим. Хозирда мен Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетининг 1-курсда таҳсил олмақдам. Ҳаётимизда энг қувончли, ҳаяжонли, эсда қоларли лаҳзаларни бир умрга қозоғга қандай муҳриш сураткашнинг касб-маҳоратига боғлиқ. Кўпгина суратларимни оиламда, дўстларим даврасида олганман. Мен

айниқса, катта байрамлар муносабати билан уюштирилган халқ сайилларини яхши кўраман, улардан кўнглим олам-олам завқ олади, турли фототўрадалар ишлайдим.

Диққат-эътиборли бўлишга, одамлар феъл-атвори, руҳиятини тушунишга ҳаракат қиламан, табиат билан инсон ҳамбарчас боғлиқлигини, қалб гузаллигини англашга интилам. Ёш гўдакларни, юз-кўзларидан нур ёғилиб турган гиру бадавлат отахону онахонларни, турли маросимларни сифатли суратга туширишининг ҳам ўзи бўлмайди.

Айниқса, ишлаб чиқариш жараёнида суратчи бор маҳоратини ишга солиши, ўта диққат-эътиборли бўлиши талаб этилади. Чунки бундай жойларда ишни тўхтатиб қўйиш, ишчи-хизматчиларнинг вақтларини олиш нотиқил ва вазиятларни келтириб чиқариши мумкин. Янги мақодаларимни ўзим ишлаган сифатли суратлар билан янада ўқимайми, эътиборни тортадиган қилиш мақсадида изланмоқдам.

Шулардан бири, асосийси десак ҳам бўлади, у ҳам бўлса биринчи навбатда иш столини барча қозғолардан — айни бажарилиши лозим бўлган ишга тааллуқли бўлганларидан ташқари сиздан ҳўли қилинади.

Шу йўл ишда самарадорликни оширишга биринчи қадам ҳисобланишини АҚШ Фарбий темир йўллар компанияси президенти ўз мисолида санаб кўрганлигини таъқидлайди. Шу билан бирга, ишбилармон албатта, тартибли инсон бўлмоғи шарт. Нетяки, тартиб бор жойда ишда унум ҳам бўлади, деб ҳисоблайди у.

Иш стилингизда бетартиб соҳилиб ётган қозғолар, хат ва ён дафтардаги қайдиномлар сизда бесаранжомлик, безовталиқ ҳиссини уйғотади. Кўпгина ҳолатларда эса ўз кучингизга ишонмай қўясиз, ҳеч бир ишни ўша онда телефоним жиринглаб келишилганлиги учун мен узр чирим сўрадим.

бўлди, бу сафаргиси аввалдан куттириб қўйганлигим учун кесас, тугалланмаган ишга оид ҳужжатларни қаерда сақлайсиз? — Тугалланмаган ишларимнинг ўзи йўқ!

Каттиқ ҳайратланган ва таъсирланган фирма администратори офисида олти ҳафта ичида бутунлай бошқа одам сифатида фаолият юрита бориб, ишда унумга эришди, асосийси безовталиқ ва сержаҳдликдан бутунлай қутулиб, ишидан кўнгли тўлиб, мамнулик ҳиссини туя бошлади...

Хуллас, руҳшунслар инсонларга ҳар бир ишда тартиб-интизомли режали, қатъиятли бўлиш яхши натижаларга эришиш омили ҳисобланишини таъқидлаш экан асосийси, ишни муҳимидан бошламоқ зарур. Омил МИРКАМОНОВ тайёрлади.

Уша пайт унинг юзларидида қувонч пайдо бўлганди.

— Узр сўраманг, доктор! — деди у самимий, — ҳузурингизда бўлган вақтимида мен ишда қандай хатоликларга йўл қўяётганимни яхши англаб етдим. Идорамга боргач иш юритиш йўлимини ўзгартирмоқчиман. Кетишдан олдин Сиздан илтимос, иш стилингиз тортмаларига бир назар ташласам, дегандим.

— Марҳамат, — деди руҳшунос ва ҳамма тортмаларни бир-бир очиб кўрсатди. Уларда янги келган почтадан бўлак ҳеч қандай қозғолар кўринмади.

**Фоқат аёллар**

**Ўқишсин**

**ОШХОНАГА КИРИШ ТАҚИҚЛНАДИ**

Непалда аёл киши ошхонанинг мутлақ соҳибасидир, у ерда барча иш учун ёлғиз ўзи жавобгар. Кимлигидан қатъи назар ҳар қандай меҳмон ва айниқса, хорижий киши ошхонага кириш ҳуқуқига эга эмас. Ана шу боис хонадон соҳибасига ёрдамлашиш мақсадидагина ҳар қандай таклиф ноўрин ҳисобланади.

**КУЁВ ОНТ ИЧДИ**

Мураккаб ирим-сиримларга ишонадиганларга қийин. Хитойлик ўзига тўқ бадавлат кишининг 19 ёшли қизи бевақт вафот этди. Ута иримчи ота бечора қизини дафн этиш маросимидан аввал уни эрга беришга қарор қилди.

Чунки уйланмаган йигит ёки турмуш қурмаган қиз вафот этиб қолса, у нариги дунёда ёлғизликдан азобланиб эмиш. Қайнотанинг «бели бакуват»лигини эшитган куёв бўлиш ниятидагилар ҳам ёғилиб кетди. Тўй жуда даб-дабали ўтди. Куёв ҳам ҳеч иккиланмай одатдагидек саволга, яъни умрининг охиригача «ёрига» фаводор бўлишга онт ичди.

**МУЗКАЙМОҚДАН ФОЛ КЎРИШ**

Қизлар қандай музқаймоқни хуш кўришларига қараб уларнинг феъл-атворини билиш мумкин. Мисол учун мевали музқаймоқни ёқтирадиганлар қайсар, ўзбилармон, шоқоладли музқаймоқни хушлайдиганлар қатъиятсиз, иродасиз бўлишади. Танламай, дуч келганини пақос туширадиган қизлар эса хушқачқакликлари билан ажралиб туришади.

**ҚИЗЛАР ГУЛШАНИ**

Японларнинг қизларни турмушга беришдаги баъзи тажрибалари халқимиз удумларига жуда ўхшаб кетади. Яъни ўғлини уйлантириш учун қизни ота-она танлайди. Қиз билан йигитнинг ўзлари топшииб кетиш ҳоллари ҳам учраб туради, лекин совчилик қилиб топилган келиннинг баҳоси жуда юқори бўлиб, кейинчалик шу оилада барқарорлик ҳукм сураб экан. «Қари билгани пари билмас» деган мақол японларда ҳам қадрланаркан.

Бизда биринчи совчиларни Оллоҳ томонидан юборилган совчилар, деб таъриф қилишади. Японлар ҳам пурмаъно бу ҳикматга эътибор қилиб, совчиларни ҳурмат билан қутиб олишар экан.

Совчиликка худди биздаги одат каби она, амма ёки хола бориши урф экан.

Совчилар қиз бола хонадондаги эшик тўтқинини ушлаганда: «Илоё шу хонадондаги қизнинг бахти ўғлимизнинг бахти билан боғланган бўлсин», деб ният қилишади. Сунг хонадонга кирган, дахилздаги гулдонга қўйилган битта ёки дасталанган гулга эътибор беришади. Чунки гул шу хонадон қизининг гўзалликка ошнолиги, нозик қалб соҳибаси эканлигидан дарак беради. Демак, қизнинг дид- фаросатини дастлаб шунга қараб баҳолаш мумкин.



Хусусан, яқинда Собир Раҳимов туман ҳокимлигида бўлиб ўтган «Фуқароларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатлари ва юқори ташкилотлардан келиб тушган ҳужжатлар билан ишлаш» мавзuidaги семинардан ҳам юқоридаги мақсадлар қўзланди.

Анжуманда тумандаги муҳандислик хизмати ходимлари ва ўн битта иш юритиш бўлимлари, юрист ва ҳуқуқшунослар, қорхона ва ташкилотлар вакиллари иштирок этдилар.

— Туманимизда бугунги кунда 300 минг аҳоли истиқомат қилади, — деди жумладан тadbирни очар экан туман ҳокими Бахтиёр Ҳақимов. — Аҳолининг асосий қисми туманининг Эски шаҳар қисмида жойлашган. Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида ушбу ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий шароитларни янада яхшилаш мақсадида 2004 ва 2005 йиллар давомида

қайта реконструкция қилиш ишлари олиб борилиб, 2 та болалар боғчаси, 90 минг кишини қабул қиладиган 2 та оилавий поликлиника, 3 та спорт мажмуаси, 11 та маҳалла гузарлари, «Салоҳиятли ёшлар» маркази ҳамда 150 ишчи-хизматчи меҳнат қиладиган «Сағбон-текстиль» қўшма қорхоналари қурилди. Айни кунларда кўчаларни кенгайтириш, маиший-хизмат шохобчаларини ташкил қилиш, кўп қаватли уйларнинг том, ертўла ва йўлакларини тубдан таъмирлаш, ҳудудларни ободонлаштириш ишлари олиб борилюқда. Бир сўз билан айтadиган бўлсак, аҳолининг талаб ва истакларини жойига чиқиб ўрганиш ва ечимини ўша ернинг ўзида ҳал қилганимиз боис аҳолидан келиб тушадиган ариза ва шикоятлар сони кескин камайган.

Шунингдек, анжуманда «Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни», «Қонунга асосан ҳужжатларни расмийлаштириш ва ўз вақтида ижросининг бажарилиши»,

«Юқори ташкилотлардан келиб тушган ҳужжатлар билан ишлаш», «Жамоатчилик асосида фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш», «Статистик ҳисобот, жадваллар ва уларни расмийлаштириш ҳақида» каби қатор масалалар хусусида сўз борди.

Аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўладиган муаммо ва камчиликларнинг юқори ташкилотларда вақтида кўриб чиқилиши, маҳаллаларга



**Семинарлар**

**ЎЗАРО ТАЖРИБА АЛМАШИШДИ**

Хуқуқий-демократик давлат қуриш йўлида изчил ислоҳотлар олиб борилаётган юртимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, таклиф ва истакларни, муаммо ва камчиликларни ўрганиш бўйича ҳам кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

чиқиб жойида ўрганиб ҳал қилиниши сезиларли натижалар бераётганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

— 1994 йилдан бери шаҳар ҳокимлиги қошида узоқ йиллар эл-юрт ривожий йўлида меҳнат қилиб келган фахрийлардан ташкил топган «Жамоатчилик асосида фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш гуруҳи» фаолият кўрсатиб келади, — дейди биз билан суҳбатда шу гуруҳ раҳбари Фатхулла Назруллаев. — Гуруҳдаги 15 нафар аъзоларимиз ўн битта туманларда бўлишиб фуқароларнинг мурожаатлари бўйича қилинаётган ишлар, уларнинг бажарилиши бўйича ўз ёрдамларини, йўл-йўриқ ва маслаҳатларини бериб келадилар. Яқинда Собир Раҳимов туманида бўлиб, ишлар билан яқиндан танишганимизда шу нарса маълум бўлдики, фуқароларни қабул қилиш, маҳаллаларга бевосита чиқиб бориш, камчиликларни ижобий ҳал қилишга эътиборни қаратиш ўзининг яхши натижаларини берган. Бошқа туманларда ҳам бунга эътибор қаратилиши лозим деб ўйлаймиз.

— Аризаларни вақтида кўриб чиқиш, амалий чоралар кўриш, муаммо ва камчиликларни имкон борида ижобий ҳал қилиш, фуқароларнинг қабул кунларини кўпайтириш ёки бевосита жойларга чиқиб учрашувлар ташкил қилиб, аҳволни яқиндан ўрганиш ишимизда албатта яхши натижаларга эришишга ёрдам беради, — дейди Вазирлар Маҳкамасининг «Ариза ва қабул бўлими» вакили Эркин Юсупов. — Бугунги семинар ҳар жиҳатдан фойдали бўлди. Ўзаро тажриба алмашиш, раҳбарларнинг тутаётган йўли, фуқароларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатларига бўлаётган эътибор, муаммо ва камчиликларнинг қандай ечимини топаётганлиги, халқ билан бевосита мулоқотлар йўлидаги ҳар бир ижобий қадам ўрганишга арзийди ва бундан ҳар биримиз ўзимизга хулоса чиқаришимиз керак. Президентимиз яқинда бўлиб ўтган шаҳар Кенгаши сессиясида жуда тўғри гапни айтдилар. Ҳар бир инсон, у ким бўлишидан қатъи назар ишдан маънан ва жисмонан қарчаб келганда уйда шарт-шароитнинг йўқлиги албатта унинг кайфиятини бузади. Эртасига яна шу кайфият билан ишга борса самаралорлик, унум қайдан бўлади? Шунинг учун ҳам ҳар ким ўз вазифасини масъулият билан бажариши керак. Яна Президентимиз кадрларнинг жой-жойига қўйилиши лозимлиги ҳақида ҳам куюниб гапирдилар. Ҳар биримиз ўз ишимизни яхши билсак, масъуллини ҳис қилсак, ҳар бир нарса ортида инсон турганлигини унутмасак йўлимиздаги барча қийинчиликларни албатта енгиб ўтаимиз.

Савол-жавоб, таклиф ва мулоҳазаларга бой ўтган семинар қатнашчиларда яхши таассурот қолдири.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**  
**СУРАТЛАРДА: анжумандан лавҳалар.**

**Ҳақимжон Солиҳов**  
**олган суратлар.**

**Тағбирлар**

**АЁЛ ВА ЖАМИЯТ**

Яқинда шахримизнинг Зебо Шамсутдинова номли маҳалла гузариди «Аёл ва жамият» мавзuidaги тadbир бўлиб ўтди.

зишни ташкил қилиш, маҳалладаги кам таъминланган ва ногирон оилалар фарзандларига етарли ёрдам бериш масалалари хусусида сўз борди.

Шунингдек, 43-оилавий поликлиника акушер-гинекологи Гулноза Қўчқорова балоғат ёшидаги қизлар ва туғиш ёшидаги аёллар муаммолари, Тошкент Давлат юридик институтининг Фуқаролик кафедраси ўқитувачиси Наргиза Ёгамбердие-

ва «Оилавий муносабатлар ва фуқаролик ҳоллари» мавзуларида сўзга чиқдилар. Туман меҳнат бўлими но-зирилари Зулфия Раҳматуллаева ва Шаҳноза Юнусова тумандаги мавжуд бўш иш ўринлари, ўқув курслари ҳақида маълумот бериб, ёшларга ва аёлларга бир қатор соҳаларда ишлашни ва ўқишни таклиф қилдилар. Маҳалла хотин-қизлар комиссиясининг раиси Гулчехра Каримова эса қайно-

на-келин муносабатлари, оилада келиб чиқадиган нохуш ҳолатларнинг олдини олиш, ўзбекона урф-одатларимиз, қадриятларимизни асраш ва уларга амал қилиш, кексаларни ардоқлаш хусусида сўзлади.

Кечани Зебо Шамсутдинова номидаги маҳалланинг диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Рафика Юнусова олиб борди. Тadbирда 50 дан зиёд кишилар қатнашдилар.

Мулоҳаза, мунозара ва савол-жавобларга бой тарзда ўтган тadbир барча қатнашчилар қалбида хуш кайфият уйғотди.

**Гулнигор САТТОРОВА**



## ҲИКМАТЛИ СЎЗЛАР

● Агар иш сенга хузур бағишлагудек бўлса, шу хузурбахшлик самарага айланиши муқаррар.

● Умр бўйи елиб-югурамиз, ҳаётимизнинг сўнгги соатларини эса пиёда юриб ўтказишга ҳам рози бўламиз.

● Бирон-бир ишга киришишдан олдин худони эсга оламиз, бу эса дунёнинг беъмани ишларидан тийишимизда асқотади.

● Аёлсиз эркак — идишсиз қопқок.

● Баъзилар шундай усталик билан хатога йўл қўядиларки, уларга кўп холларда рози бўлиб кўя қоламиз, айрим кишилар эса шундай тўғрилиқ қилдиларки, уларга эътироз билдиришнинг илоҳи бўлмай қолади.

● Баҳслашиш санъати шундай бўлсаки, у пировард натижада ҳамжихатликка олиб келсин.

● Яқдил фикр бўлмаган жойда баҳсга ҳам ўрин йўқ.

● Қайсар одам бўш қутичага ўхшайди, унга ҳар доим нимадир солиш керак бўлади.

● Ҳар биримиз бир-биримиздан бирор нимани ўрганишимиз табиийдир.

● Муҳим мунозаралар ўз вақтида бўлсагина, самара беради.

● Баъзи одамлар қандай ўйласалар, шундай сўйлайдилар; бошқа бировлар қандай гапирсалар, шундай ўйлайдилар; айримлар эса, бошқалар қандай ўйласа, шундай сўйлайдилар.

● Нотўғри фикр устидан куладиган одамлар ундандан нотўғрироқ бўлган фикрларни тўғри деб ҳисоблайдилар.

● Еб бўладиган кўзиқоринга ўхшаш захарлилари ҳам бўлганидек, чалкаштириб юбориш мумкин бўлган ҳақиқатга ўхшаш адашиш (хатолик)лар ҳам мавжуддир.

**Мирзали АКБАРОВ тайёрлаган.**

## Ҳаёт сабоқлари

### КЕЧИРИМЛИ БЎЛАЙЛИК

Талабалик йилларим эди. Бир куни курсдошим Собир билан гапимиз келишмай қолди. Оқибат сан-манга бориб этди. Ҳамма айб Собирда эканлигига курсдошларимиз гувоҳ бўлиб турарди. Бироқ Собир болалар билан тез-тез гижиллашиб турар, ноҳақ бўлсада ҳеч қачон бўйин эгмаслиги ҳаммага аён, шу сабабли унга қарши гапиришга ҳеч ким ботинолмасди.

Мен ҳақимни олдириб қўядиганлардан эмасдим. Бўш келмадим. Агар курсдошлар ажратишмаганда бир-биримизга мушт ўқталишга ҳам бориб етар эдик.

Иккимизнинг ҳам дилимиз хуфтон бўлди. Урушиб қолган кишиларнинг уч кундан ортиқ аразлашиб юриши ёмон одат эканлиги ёдимга тушиб, айбим йўқ бўлсада бўйин эгдим: тушликка чиқаётиб унинг елкасидан қучоқлаб: «Собиржон, дўстим, ўша куни мендан ўтди. Кечиринг!» дедим.

— Ҳечқиси йўқ, одатда шунақаси ҳам бўлиб туради, — деди у қизариб. Курсдошлар бири ажабланиб, бири мени паст келганимга қовоғини солиб қарашди.

Эртаси куни Собир негадир менга қарай олмас, кўзларини олиб қочар эди. Дарс тугагач ёнимга келди. Назаримда, менга нимадир айтмоқчи, лекин айтишга ботинолмасди. Индинига ҳам шу ҳолат давом этди. Унинг қаттиқ хафалиги сўлғин юзидан билиниб турарди.

Шу куни кечки пайт ижарачи кампир «Сени ташқарида биров чақирапти» деди. Чиксам эшик бўсағасида Собир турарди. Унинг ташрифидан хайратимни яширолмай кўришиб, ичкарига таклиф қилдим.

— Йўқ, оғайни мен бошқа иш билан келган эдим, — деди. У нигоҳи билан ер чизар экан. — Сиз ҳеч қандай айбонгиз бўлмай туриб мендан кечирим сўрадингиз. Менинг эса ўшандан бери на ёттишмда ҳаловат бор, на юриш-туришимда. Қийналиб кетдим. Агар иложи бўлса мени кечиринг.

Унинг ёноғида ёш йилтиради. Бу ҳолатдан мен ўзимни зўрга босиб турардим. Шахт билан унинг бағрига отилдим.

**Рустам ЗОИРОВ**



У кетди. Бугунлай кетди. Эр бунини юракдан ҳис этарди-ю, баттар эзиларди. Қани энди иложи бўлса-ю хотинининг оёқлари остига йиқилса, қўларидан ўлиб кечирим сўраса. Афсус вақт тўган, энди бари фойдасиз эди. Хотини «тўнини» бутунлай тескари кийганди. Энди эрини кечиролмасди. Ахир у кеचира кечира шу кунгача етиб келди. Оқибат эридан ноҳақ ҳақорат ашитди.

Ҳикматжон Махбубанинг орқасидан мунгайиб термулиб қоларкан, у билан ўтган бахтиёр дамларни эслади. Эсладию беихтиёр оҳури юборди. Қалб тубидан чиққан бу нидода муҳаббат ва армон муҳаббат эди. Қани ўша ширин онлар, қайноқ бўсалар, эхтирослар. Ушанда Махбуба институтнинг бешинчи курсида ўқирди. Ҳикматжон эса поликлиникада ишларди. Ҳар куни ишдан чиқарди-ю олдин «тап босди» қилгани бубетга, кейин Махбубанинг олдига чопарди. Шундай кунларнинг бирида Махбуба қисилб-қимганиб сўз отиб қолди.

— Нега ҳар куни ичиб келасиз?

Ҳикматжон бир зум каловланиб турди-да қулиб: Муҳаббат дардида, сизнинг ҳақрингизда ичман-да, — деди. Муҳабба мамнун жилмайди. У бу сабабини фарзандсизликка йўйди.

Махбуба ўзини дўхтирларга кўрсатди. Йўқ айб унда эмас экан. Демак айб эрида. Наҳот ўзи шифокор бўлган туриб бунини сезмас?

дарахт минг авайлаганинг билан барибир бир куни қулаши муқаррар экан.

Уша куни Ҳикматжон яна ичиб келди. Оғзидан бодиб кириб, шодиб чикди. Махбуба ҳам энди чидай олмади. Алам устида аччиқ гапириб юборди.

— Хали шунақами, — деди Ҳикматжон кўзлари ёниб. — Бўпти. Жўна, кетавер. Узим ҳам олдинок айтмоқчи эдим бунини. Менга сендақа «мевадасиз дарахтнинг» кераги йўқ.

Махбуба ҳаммасини кечириниш мумкин эди. Лекин бунисини кечира олмасди. Наҳот эри ўз айбини хотинига ағдарса? Наҳот шунча йиллар Махбуба авайлаб-асраб келган чинини бир ноҳуя ҳаракат билан синдирса-қўйса? Энди уни ямаб бўлмайди. Ҳар қанча чегаланинг билан барибир сичиқи кўриниб қолди. Энди вақт борида этакни ёпиш керак.

Хотин кетди. Эр ўзини қўйрга жой топа олмас, бошига балолар ташвиши ёғдирган ичкиликни дилдидан лаънатларди.

**Максуд ОРИПОВ**

## ОҚИБАТ

Қатра

Бироқ Ҳикматжон бунини сезарди. У хотини ўйлаганчалик беларво эмасди. У аллақачонлар мутахассисларга учрашган, ўз «айбига иқро» бўлганди. У яна умрбод ўзини «мажруҳ» қилган бу фалокат ичкилик оқибатида келиб чиққанини ҳам биларди. Лекин бунини Махбубага айтмасди. Аламидан хотинини гуноҳдор қиларди. «Айб-сиз айбдор» хотин эса эрининг юзига тик боқа олмасди. Унинг ҳар бир ҳақоратида чидам билан тоқат қиларди.

Йўқ. Барибир бўлмади. Мўрт

## МАСЛАҲАТЛАРИМИЗ

● Баъзан сочқилар вақт ўтиши билан қаттиқлашиб, дағаллашиб қолади. Уларни майинлаштириш учун оддий усул қўллаш мумкин. Совунлаб ювилган сочқилар қайта шўр (тузли) сувда қайнатиб олинади.

● Сочга миёна ранг бериш жараёнида гоҳи кийим-кечак ва матоларга хина ранги тушиб қолиш эҳтимоли бор. Хина доғини кетказиш лозим бўлса, қуйидаги амалдан фойдаланинг. Тенг микдорда 2 фойизли новшадил спирти ва уч фойизли периксин водород ва сув эритма омехтаси билан хина доғи кам-

раб олинган жой 20 дақиқа давомида буктириб турилиб, сўнгра мато илиқ сув билан ювилади.

● Кийим-кечаклар ва нафис газламарлардан чой доғини кетказиш лозим бўлса, унда икки чой қошиқ микдорда 10 фойизли новшадил спирти қўшиб аралаштирилади-да пахтали пилликка шимдириб артилади.

● Мабодо шакаф, қути ёки сервантлардан бадбўй ҳид анқиб турадиган бўлса, бирозгина писта кўмир қўйсангиз, икки-уч кунда ноҳуш ҳиддан халос бўли-нади.

## УМР

Асли дунё ўткинчи, умр шошиб еларкан, Инсон гаму ташвиши, бошга тушгач биларкан. Сени ҳеч ким тушунмай, ўз ёнгинада қоврилсанг, Ота-онанг хотирлаб, соғинч бағринг тиларкан. Ҳар иккисини тополмай, оворою сарсонсан, Улар кетиб энди айт, қай қўл бошинг силаркан. Қолган ақин-иқроқлар, ўз уйдан ортмайди, Баъзилари ҳаттоки, қоқилсанг ҳам куларкан. Отам эди қуйинган, бошим узра қайғуриб, Етим киши нонгамас, меҳрибонга зор экан. Омад юзин бурганда, ухлайдирсан тик туриб, Аччиқ сўзу аламага, юракларинг тўларкан. Афсус-надомат чекма, айла кунингга шукр, Зулмат тугаб охири, тонгда қуёш отаркан. Эй Қодир англайлик, ёшлигинг ўтди-кетди, Кексаликни баб билсанг, кўнгли ором толаркан. Қодир СЎЛТОНОВ

Саҳифа материалларини Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ тайёрлади.

## Шарқ дурдоналари



● Киши учун ногаҳоний ўлим икки нарсдан келади: ортиқча бойлик учун интилишдан ва беъмани сўзларни кўп гапиришдан.

Мол-дунё тугайди, аммо яши ишлар абадий қолади. Биров ери биров боқар.

● Инсоф энг яхши фазилатдир: **Кимда инсоф бўлса у мард кишидир, Инсофсизлик эса номард ишидир.**

Инсофсиз кишига ҳам ҳаммиша йўлдош бўлади. Мен сенинг қўлингдан тутсам, сен менинг оёғимдан тортасан.

**Ёмон кунда гина кўтарилди, Зиёнокор гиёҳ боғдан юлиб отилади.**

● Айбсиз қиз кидирган ёрсиз қолади. Гузал ҳисобланган ойда ҳам доғ бор.

**Айбсиз дўст кидирган дўстсиз қолади. Билмаган айб эмас, сўралмаган айб.**

● ҲИКОЯТ. Бир подшо ўз мол-мулкнинг қўлигидан фахрланиб, илм аҳлини менсимай қўйган, ўз иштиёрича иш тушиб, физку фужурга берилган эди. Бир куни у бори-га қаноат қилиб камтарлик йўлини тутган доно ҳақимга дуч келиб қолди ва унга:

— Эй ҳақим, нимани хоҳласанг тила, сўровингни муҳайё қиламан! — деди.

— Шундай қилгилки, ажал ҳеч қачон бошимга соя солмасин! — деди.

— Бу иш менинг қўлимдан келмайди, — деди подшо.

— Бўлмаса, — деди ҳақим, — қариллик мавсуми кетиб, ёшлик айёми қайтиб келсин!

— Бу иш ҳам қўлимдан келмайди! — деди подшо.

— Орамизда фарқ йўқ экан-ку, — деди ҳақим шунда, — мен қилолмай-диган ишни сен ҳам қилолмас экансан, аммо сенда мол-давлат кўп бўлгани учун кибр отига миниб, манманликка берилибсан. Мен эса топанганимга қаноат қилиб, ҳеч кимга ялнинмайман, демак мен ҳам ўзим учун подшоиман!

● Бағзув ал-ҳақим айтди: — Агар сўз ёлғончилик балосига дучор бўлмайин десанг ўзингга ростўйлик хислатини широр қил, нимаики айтсанг, айтган гапингга вафо қил, меҳнатга мубтало бўлмай десанг, меҳнат қилувчиларга раҳм кўзи билан боқ! Ҳасад дардига йўлқмай десанг ўзгалар молу давлатга етса хурсанд бўл! Оқил кишиларга ёқмай қолишдан қўрсанг ҳаё отига мин!

● Луқмони ҳақим ўз ўғлига деди:

— Эй ўғлим, ялқовлик кўчасига кирма, кўнглинг тор бўлмасин, чунки кимда ялқовлик ва бесабрлик бўлса, у ҳеч қачон бахтга эриша олмайди.

● ҲИҚМАТ: дўст шундайки, суҳбатингни малол олмайди, узоқда юрсанг унутмайди, бойлик ва камбағалликда ўзгармайди. Хожатинг бўлса амалга ошириш учун жонжаҳди билан киришди, яхшилигини миннат қилмайди, бирор ҳожа-ти бўлса сендан яширмайди, ахво-лини сир тутмайди, сенга қанча ҳақ яхшилик қилса уни шунча кам деб ҳисоблайди, сендан озгина яхшилик кўрса уни кўп дейди, барча ишда ўзини сенга ҳамнафас деб ҳис қилади. Байт:

**Савдогар дилидан меҳр излама, Ҳар ким билан қилар алоқа ҳар он, Ҳушовоз қушни кўр ҳар бир лаҳзада, Ўзга гул олдида қуйлар беармон.**

**Мард билан дўстлигинг ипини боғла, Номард билан дўстлик қилма ҳеч қачон!**

*Спорт*

**УЛКАН СПОРТ БАЙРАМИ**

Шаҳримиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида 14-15 май кунлари илк бор дзюдо бўйича Осиё чемпионати беллашувлари бўлиб ўтади.

Ушбу улкан спорт байрамида 28 мамлакатнинг яккакураш усталари иштирок этиши кутилмоқда. Бахслар жами саккизта вазн тоифаси бўйича ўтказилади ва турнирда қитъанинг 400 га яқин энг кучли дзюдочилари галаба учун кураш олиб боришади. Улар орасида жаҳон чемпионатларининг кўплаб ғолиб ва совриндорлари, китъа чемпионати, турли нуфузли мусобақаларнинг ғолиблари бор.

Хозирда иштирокчи мамлакатларнинг терма жамоалари шаҳримизда машғулотларни ўтказиб, чемпионатга қизгин тайёргарлик кўрмоқда.

Терма жамоамиз жаҳон ва Осиё чемпионатларининг ғолиб ва совриндори Абдулла Тангриев етакчилигида гиламга тушади. Терма жамоамиз таркиби саккиз нафар эркак ва еттига аёл спортчилдан иборат.

Бугун Осиё дзюдо уюшмасининг конгресси бўлиб ўтади.

**УМУМЖАМОА ХИСОБИДА — БИРИНЧИ**

Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳрида триатлон бўйича ёшлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати бахслари якунига етди.

Республика техник ва амалий спорт турлари маркази ҳамда Ўзбекистон мудофасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг виллоят Кенгаши ташкилотчилигида тўрт кун давомида бўлиб ўтган қизиқарли бахсларда жами 36 нафар спортчи галаба учун кураш олиб борди.

Шундай қилиб, кўрсатилган натижалар сарҳисоб қилинганидан сўнг аёллар ўртасида биринчи ва иккинчи ўринларни Республика техник ва амалий спорт турлари маркази (РТАСМ) вакиллари Алла Сафоева ҳамда Ангелина Буржевалар эгаллашди. Тошкентлик триатлончи Екатерина Калдакова эса учинчи бўлди.

Умирлар ўртасида спорт усталлигига номзод Дмитрий Сальников (РТАСМ) галаба нашидасини сурди. Бунда шаҳримиз вакили Александр Литвинов иккинчи ўрин билан қифояланди. Ёшлар баҳсида эса тошкентлик спорт усталлигига номзод Павел Растрингига хурмат шохупасининг энг юқори поғонаси насиб этди. Яна бир ҳамшаҳримиз Артём Михеев бронза медалини қўлга киритди.

23 ва ундан катта ёшдаги эркаклар ўртасида барча совринли ўринларни Республика техник ва амалий спорт турлари маркази вакиллари бўлиши Николай Ильин, Евгений Алексеев ҳамда Дмитрий Тишеввалар қўлга киритди.

Тошкент шаҳри ва республика-миз виллоятлари терма жамоалари ўртасидаги умумжамоа ҳисобидаги натижалар сарҳисоби бўйича 965 очко жамгарган шаҳримиз термаси биринчи бўлди. Майдон эгалари сурхондарёликлар 728 очко билан иккинчи, Фаргона виллоят триатлончилари эса учинчи бўлишди.

(Ўз мухбиримиз)



*Бадиий гимнастика*

**НАФОСАТ МАЛИКАЛАРИ**

Шаҳримиздаги «ЖАР» спорт-соғломлаштириш мажмуасида уч кун давомида спорт усталлигига номзодлар ва спорт усталари иштирокида бадиий гимнастика бўйича республика чемпионати бўлиб ўтди.


Қашқадарёдан ташқари, республикамизнинг барча виллоятларидан келган юзга яқин қатнашчилар тўп, аркон, лента ва булавада машқларни бажариш бўйича ўз куч-маҳоратларини намойиш этишди.

Спорт усталлигига номзодлар айниқса тўп билан машқ бажариш бобида аъло даражада қатнашишди.

Спорт усталари мусобақасида Олеся Ашаева (Тошкент), Наталья Берестецкая (Навойи), Рита Алимова (Тошкент) муваффақиятли иштирок этишди.

Арқонда, ҳалқада ва булавада машқлар бажариш борасида спорт усталлигига номзодлар баҳсида навойилик Ульяна Трофимова Ўзбекистон чемпионати бўлди. Лента билан машқ бажаришда ҳам Навойи виллоят вакили Дилфуза Раҳматовга тенг келадиганлар топилмади.

Спорт усталари ўртасида ҳам учта — тўп, аркон ва лента билан машқларни бажариш бобида республикамизнинг энг тажрибали



гимнастикачиси — Олеся Ашаева (Тошкент) барча рақибларини ортда қолдиргани ҳолда хурмат шохупасининг энг юқори поғонасидан ўрин олди.

Булава бўйича эса Наталья Берестецкая зафар кучди.

Олеся Ашаева шунингдек, бадиий гимнастика бўйича Ўзбекистоннинг мутлақ чемпиони унвонини қўлга киритди.

Чемпионатнинг барча ғолиб ва совриндорлари дипломлар, медаллар ҳамда қимматбахш совғалар билан тақдирланди.

Умумжамоа ҳисобида 358,15 очко тўплаган Тошкент шаҳри биринчи ўринни эгаллади. 310,875 очко жамгарган навойиликлар иккинчи, 224,15 очкога эга Бухоро виллоят гимнастикачилари учинчи бўлишди.

(Ўз мухбиримиз)

**СУРАТЛАРДА:** бадиий гимнастика бўйича Ўзбекистон чемпионатидан лавҳалар. Алексей Попов олган суратлар.

**АНИҚ БАШОРАТ**

XVII аср охирида Лондондаги Қироллик жамияти аъзоси Глендвилл келажакда фаннинг тараққиёти ҳақида башорат қилди.

— Жанубий денгизлар бизга бир қадам бўлиб қолади, — деган эди башоратида у.

— Балки ой ҳам Америка сингари яқин бўлиб қолиши мумкин. Келажак авлодларимиз учун иккита қанот сотиб олиш худди пойабзал сотиб олишдек оддий ишга айланади. Ҳиндистондаги одам билан ёнингдаги хонада гаплашаётгандек гаплашасан. Саҳролар унмдор ерларга айлантирилади, тўкилган сочлар қайта ўсадиған бўлади.

Афсуски, Глендвиллга бу кунларни кўриш насиб этмади. Башоратларининг тўричилигига ўзи ҳам ҳайрон қолган бўлар эди.

**СЕЙФДА ҚАМАЛГАН ЗАРГАР**

Британиялик заргар Жойс тасодифан ўзининг янги сейфида қамалиб қолди. Ла-Манш бўғозининг Уайт оролида тадбиркорлик билан шуғулланаётган 73 яшар британиялик ўзининг эҳтиётсизлиги туфайли шундай ҳодисага дуч келди. У эндигина ясалган сейфининг ичкаридаги тортмаларини кўздан кечираётганда бир тонналик сейф эшиги орқасидан бекилди, афсус буни заргар сезмай қолганди.

Жойс ёлғиз яшар эди. Шу сабабдан унинг қўшилари у гойиб бўлган куннинг бешинчисида ваҳима кўтарди. Тезда етиб келган полиция сейфини очди. Бир неча кун қамалиб ётган заргар шикастланмаган, аксинча ўзига далда бериб турган экан. Қорнини эса чўнтагида олиб юрган ширинликлар билан тўйгазган экан.

Тадбиркор сейфда ўтириб ҳам вақтини бекор ўтказмади, кичик фонус ёрдамида сейфда сақланаётган эски соатни тузатиб қўйди.

Заргар озодлигининг биринчи кунидеяк яна ўз ишига шўнғиб кетди.

**ТЕМИРЎЛЧИЛАР**

**ҒОЛИБ**

ЎТГАН КУНИ

Ўтказилган «Локомотив» — «Машъал» учрашуви билан мамлакат XIV миллий чемпионатининг олтинчи тур баҳслари ниҳоясига етди.

Авалли турда олий лиганинг янги вакили «Шўртан» жамоаси билан сафарда куч синашиб рақибларини 3:0 ҳисобида доғда қолдира олган темирўлчиларга бу турда ҳам омад қилиб боқди. Шуни таъкидлаш жоизки, Миржалол Қосимов етакчилик қилаётган «Машъал» жамоаси пойтахтликларга муносиб қаршилик кўрсатади, деб таҳмин қилинганди. Бироқ, ушқоқ ҳолда меҳмонларга қарши муносиб ўйнаган Рустам Мирсодиқов шогирдлари тезкор ҳужумлар уюштиришда, тўпни бир-бирларига аниқ узатишда, рақиб дарвозасига хавф солишда мубораклик чарм тўп усталаридан маҳоратли эканликларини исботлашди. «Локомотив» жамоасининг устунлигида кечган учрашув 2:0 ҳисобида пойтахтликларнинг галабаси билан якунланди. Мухлисларга қувончли ойлари ҳаля этган голларни Клишин ҳамда Яфаров 23, 80-дақиқаларда дарвозага йўллашди.

Навбатдаги 7-тур беллашувлари 15 майда бўлиб ўтади.

**МУХЛИСЛАР КУТГАН ҒАЛАБА**

КЕЧА

«Пахтакор» марказий стадионига йиғилган мухлислар Осиё чемпионлар лигаси

*Сўқибол*

турнирида иштирок этаётган Тошкентнинг «Пахтакор» ҳамда Суриянинг «Ал-Жаиш» жамоалари ўртасидаги учрашувнинг гувоҳи бўлишди.

Очилини айтиш жоизки, Осиё чемпионлар лигаси турнирида анча муваффақиятсиз иштирок этаётган мамлакатимизнинг етакчи жамоасига галаба сув билан ҳаводек зарур эди. Аммо мутахассислару мухлислар «Пахтакор»нинг «Ал-Жаиш» жамоаси устидан йирик ҳисобда галаба қозонишини кутмаган бўлишлари табиий.

Дарҳақиқат учрашувнинг биринчи бўлими ҳар икки томоннинг кетма-кет ҳужумлар уюштиришига қарамай 0:0 ҳисобида якунланди. Иккинчи бўлимда майдонда ҳаракат қилаётган «пахтакор»чиларни таниб бўлмади қолди. Сабаби тезкор ҳужум уюштириш, майдон марказини эгаллаш, тўп билан муомала қилишда устунликни қўлга кирита олган «Пахтакор» жамоаси футболчилари меҳмонлар дарвозасига жиддий хавф сола бошлашди. Бу самара берди. Аввалига 48-дақиқада Садриддин Абдуллаев, орадан тўрт дақиқа ўтгач Леонид Кошелев аниқ ҳаракат қилиб «Ал-Жаиш» дарвозасига иккита гол йўллашди. Меҳмонлар томонидан уюштирилган ҳужумлардан бири гол билан якунлангач, «пахтакор»чилардан Сервер Жепаров ҳамда Анвар Солиев яна рақиб дарвозабонини икки марта хато қилишга мажбур қилишди.

Шундай қилиб «Ал-Жаиш» жамоасини 4:1 ҳисобида мағлубиятга учратган «пахтакор»чилар ўз очколари сонини 9 тага етказиб олишди.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

**Бош муҳаррир**  
**Ақмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

Муассис:  
Тошкент шаҳар  
ҳокимлиги

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
хатлар — 133-29-70;  
эълонлар:  
133-28-95, 136-57-65,  
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.  
3724 нусxada босилди. Қотоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот  
бошқармасида 02-1-рақам  
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,  
пайшанба ва жума кунлари чиқади.  
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамакта» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилиниши мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилади ва сақлалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бошқармаси.  
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.